



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 153 (10.206)

2004 ЙИЛ 10 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** «Қоҳис» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг моҳияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида ўтказилган йиғилишда Меҳр ва мурувват йилининг олти ойи мобайнида бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **МЕҲР** ва мурувват йили муносабати билан Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номи маҳаллада туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг Ҳамза туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилган тадбир «Меҳрдан яшнар кўнгил» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИЯ ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмағида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламининг мультимедия вариантыни яратди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун муроаб, айни пайтда яратувчанлик руҳида кечмоқда. Мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари кенг қўлмалли демократик ва бозор иқтисодларининг изчил амалга оширилиши, жамиятнинг янгилиниши йўлида давом этиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривож топиши ва жаҳон ҳамжамиятида республикамиз обрўсининг мустақамлалиниши даври бўлди. Энг асосийси, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик қарор топти. Шу билан бирга, халқимизнинг бугунги кунга ва келажакка бўлган ишончи янада мустақамладики, бу истиклол йилларидаги энг катта ютуқларимиздандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашув сиёсатини изчил олиб бормоқда ҳамда иқтисодиёт, илм-фан, таълим ва ахборот аламинини соҳаларида жаҳон халқлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жаҳонда Ўзбекистоннинг сиёсий барқарор, муттасил ривожланаётган давлат сифатидаги мавқеи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламида мустақил давлатнинг қарор топиши ва ривожланиш босқичлари ўзининг ақол ифодасини топти. Унда Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичда демократик ўзгаришларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишнинг стратегик вазифалари аниқ белгиланган.

XI аср Ўзбекистон ахриси учун қандай кечади, унинг турмуши қай даражада яхшиланади ва фаровонлашади? Мустақиллини мустақамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчиликлар ва синюлар кутаётган ҳақида етарлича ва аниқ тасаввурга эгамизми?

Ўзбекистон инсонлар учун муносиб турмуш тарзини таъминлашга қаратилган мақсад ва вазифаларни қай даражада рўёбга чиқаради?

Тинчлик ва хавфсизлигимизга таҳдид солаётган хавф-хатарни англаб еттишимизми?

Ушбу хавф-хатарга қай тарзда қаршилик кўрсатишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақада геосиёсий мувозанатни сақ-

лаб қилиш ва глобал хавфсизлиқни таъминлаш учун қандай қафолатлар мавжуд?

Ўзбекистон XXI асрда янада барқарор ривожланиши учун қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сиёсат, янгилиниш ва тараққиётнинг қандай устуворликлари мавжуд? Дунё мамлакатларига кенг ва ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитларни тақлиф эта оламиз?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларида айнан шу масалалар чуқур таҳлил этилган ва уларни амалий ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ислам Каримов асарлари тўпламининг мультимедия вариантыда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқаро анжуманлар ва учрашулардаги маъруза ва нутқлари ҳам ўрин олган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияси даврига қадам қийди. Мамлакатда глобал ра-

қамли технологиялар, энг замонавий ахборот хизмати турлари, хусусан, юқори қувватли графикали, товушли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлиши мультимедия технологияси кенг қўлланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг XI томли асарлар тўламини мультимедия вариантынинг икки тилда - ўзбек ва рус тилларида яратилиши Ўзбекистон Президентини асарларидан унинг янги, юқори технологик электрон тури орқали баҳраманд бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари тўпламининг мультимедия варианты 8,5 минг саҳифадан ортиқ ҳажмдаги ахборот матни, мингта ақин сурат, жулладан, 10 соатли аудио ва видеоматериаллардан иборат бўлиб, 2 та СД-дискдан ташкил толган.

«Ислам Каримов. Асарлар тўламини» СД-дискни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизматининг интернет-сайтидаги ахборотлардан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан кенг фойдаланилган. Мазкур СД-дискда миллий мумтоз куйларимиздан, шунингдек, жаҳон классик композиторлари асарларидан фойдаланилган.

Ў.А.



XXI асрда

Барча мамлакатларда олинган сўнги хабарлар

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ҳиндистон элчихонаси билан ҳамкорликда Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 57 йиллигига бағишланган «Аёллар шукухи: Амрита Шергилнинг қайтиши» мавзусида бадий кўргазма очилди.

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамкорлигида 2004 йил мавсумида уруғлик чигит экилган майдонларда гўза апробациясини ўтказиш ва сифатли уруғлик жамғармасини яратишга бағишланган республика кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

● Жиззах вилояти, Фориш тумани маркази — Янгиқишлоқ шаҳарчасида 750 ўринли қишлоқ хўжалик коллежининг янги биноси қуриб битказилди. Янги коллеж биноси юз ўринли ётоқхона, ошхона, кутубхона, кишки ва ёғи спорт мажмуаларига эга.

● Янгийўл туманидаги мева-саларни қайта ишловчи «Мавлоно» корхонасида қандалот маҳсулотларига қўшилган махсус шинни тайёрлашга ихтисослашган яна бир янги цех иш бошлади.

● Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

● АҚШ ҳарбий кўмондонлиги янги курул турини синовдан ўтказмоқда. Ушбу лойиҳа раҳбари Питер Энтони Шлезингер лазер ёрдамида бир неча километр узоқликда бўлган нишонни аниқ уриш имконияти борлигини эътироф этган.

● Британия полиция маҳкамаси мамлакат ичида фаолият юритаётган «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳи аъзосини қамоққа олган.

● Франциянинг Лешерен шаҳридаги от спорти мактабиде ёнғин юз берди. Натижада етти нафар ўсмир халок бўлди.

● АҚШда расман савдога чиқарилиши кутилаётган Doom 3 компьютер ўйинларининг ноқонуний нусхаси Интернет тармоғида пайдо бўлди.

● Озбек-овқатлар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича шуғулланувчи халқаро ташкилот Африка давлатларида қишлоқ хўжалиги чигирткалар босқинидан зарар кўраётганини эълон қилди.

ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар шу йил 30 июль кунини Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича олиб борилаётган дастлабки қидирув ишлари билан таништирилди.

Брифингни Бош прокурор Р.Қодиоров бошқарди.

Унда шу йил 30 июль кунини Тошкент шаҳрида бегуноҳ одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари тафсилотлари маълум қилинди.

Уша кун соат 16 дан 42 дақиқа ўтганда Исроил давлатининг Тошкент шаҳридаги Абдул-

ла Қаҳҳор кўчасида жойлашган элчихонасининг қабулхонаси ёнида 30-35 ёшлардаги шахси номаълум эркак томонидан портлатиш қурилмаси ишга солинган. Натижада элчихона биносини қўриқлаб турган Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходими, 1979 йилда туғилган Вячеслав Макаров ва элчихонанинг

тўғилган Азад Салаяхов халок бўлди.

Соат 16 дан 45 дақиқа ўтганда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносига киришга уринган 35-40 ёшлардаги шахси номаълум эркак милиция ходими томонидан тўхтатилганда, ёнидаги

қўлбола портлатиш қурилмасини ишга солган. Оқибатда икки нафар ички ишлар ва беш нафар прокуратура ходими турли даражада тан жароҳати олган.

Соат 16 дан 50 дақиқа ўтганда Америка Қўшма Штатларининг Чилонзор кўчасида жойлашган элчихонасининг қабулхонасига кириш жойида 25-30 ёшлардаги шахси номаълум эркак томонидан қўлбола портлатиш қурилмаси ёрдамида хунрезлик амалга оширилган.

Давоми 2-бетда.

Иқтисодиёт

ХАММАГА
БИРДАЙ ХУШ
ЁҚАДИ

Бектемир туманида самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида «NORTH STAR» Ўзбекистон—Япония қўшма корхонаси маҳсулотлари алоҳида ўринга эга.

Мазкур корхона ички бозоримизда 2000 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, кексаю ёшга бирдай хуш ёқувчи — бир-биридан қуштам, сифатли музқаймоқлар ҳамда чиройли безалган тортирлар тайёрланмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган янги маҳсулот — шоколадли «Super KAY-KAY» музқаймоғи барчага манзур бўлмоқда.

Қўшма корхонага ўрнатилган ҳорижий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан 30 хилга яқин «Мевали», «Қаймоқли», «Байрам», «Ўрмонда», «Ёнғоқли», «Болажон», «Ўтлоқ» каби асосан маҳаллий хомашедан тайёрланган бир-биридан кўркам музқаймоқли тортирлар билан буюртмачилар сийланмоқда.

Эътиборли томони, корхона тadbirkorлари мижозларга буюртмаларни етказиб бериш хизматини ҳам жорий этганлар. Жорий йил охиригача қўшма корхонанинг фирмалли дўконини ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, арзон ва сифатли маҳсулотлар бу ерда хариддорларга тортиқ этилади.

ЭКСПОРТБОП
МАҲСУЛОТЛАР

«Ўзпахташ» очик акционерлик жамияти жамоаси нафақат ички бозоримизни сифатли, чидамли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирмоқда, балки уларни Марказий Осиё давлатларига ҳам экспорт қилмоқда.

Ҳадемай, 60 йиллигини нишонлайдиган мазкур корхонада бугунги кунда 450 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Бу ерда асосан пахта заводлари учун сифатли, рақобатбардош дастгоҳ ва ускуналар ишлаб чиқарилади. Улар 50 турдан ортиқ бўлиб, жумладан 300 хил турдаги эҳтиёт қисмлари ҳам шу ерда тайёрланади.

Қувонарлиси, корхона жамоаси кучи билан ўзини ҳамда МДХ давлатларида 200 га яқин пахта заводлари қурилган. Шунингдек, жамиятнинг харидорбop дастгоҳ ва ускуналари ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Мухаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА



Мустақиллик медалари

МАҲАЛЛАДА
ЗАМОНАВИЙ
МАРКАЗ ҚАД РОСТЛАДИ

Шаҳримиз Мустақиллик байрами арафасида, айниқса чиройли тус олмақда. Пойтахтнинг қадимий Эски шаҳар қисмига борсангиз улкан бунёдкорлик ва янгилаш ишларининг амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз.

Эски шаҳар ҳудудига жойлашган «Хастимом» маҳалласи ҳам шаҳримизнинг кўҳна ва файзли, меҳр-оқибатга тўлиқ масканларидан бири ҳисобланади. Ҳозир ушбу маҳалла ҳудудига 1258 та хонадонда 8 мингдан ортиқ аҳоли тинч-осойишта яшаб, чор атроф ободлигига ўз хиссасини қўшмоқда. Маҳаллада айниқса халқимизнинг бирдамликка йўғрилган азалий анъаналаридан бири — ҳашар йўли билан турли иншоотларни бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўни кеча «Хастимом» маҳалласи ҳаётида яна бир қувончли

воқеа юз берди. Тўрт ой ичида маҳаллада истикомат қилувчи саховатли инсонлар маблағлари эвазига қурилиш материаллари харид қилинган ҳолда ҳашар йўли билан оқсоқол ва котиб хоналари, хотин-қизлар комиссияси раисаси хонаси, ҳудуд ноziри ва посбонлари хоналари, кексаларнинг кўнгилли дам олишлари учун ажратилган туртга хонадан иборат ҳовлисида фаввора салқинлик бахш этиб турган замонавий маҳалла маркази фойдаланишга топширилди. Бу ишларни амалга оширишга Абдурахмон Каримов, Миробод Нурму-



2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

ТИББИЙ ХИЗМАТ — ҲАР БИР
ХОНАДОНГА

Мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» дастури изчил амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ушбу дастурда белгиланган муҳим чора-тадбирлар сирасига кириди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўйғини ҳисобланган маҳаллаларда йўлга қўйилгани самарали натижа бермоқда. Зеро, бугунги кунда маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги нуфузи, миллий кадрият ва анъаналари, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва

мавқеи тобора ортиб бораётир.

Пойтахтимизнинг «Олмазор» маҳалласида аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масъулиятни ишга жалб этилган 57-оилавий поликлиника шифокорлари маҳалла аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатапти. Маҳалла аҳли Наима Бердие-

ва, Наргиза Аҳмедова, Анжела Слабоденюк каби малакали шифокорлардан миннатдор.

— Меҳр ва мурувват йилида назарда тутилган тadbirkorларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга изчил татбиқ этмоқдамиз, — дейди поликлиника бош шифокори Мухаббат Азизова. — Маҳалла аҳолиси, айниқса, унинг ижтимоий ноҳор қисми, ёлғиз кексалар, ногиронлар, болалар ва серфарзанд оилалар аҳлини тиббий қўриқдан ўтказмоқдамиз. Бу ишлар ҳар ҳафтанинг жума кўни қатъий жадвал асосида олиб борилаётир. Мақсадимиз ҳар бир хонадонга кириб бориш ва оила саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН БОШ
ПРОКУРАТУРАСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Натижада элчихона биносини қўриқлаб турган милиция ходимлари - 1981 йилда туғилган Иштиёр Ҳакимов ва 1968 йилда туғилган Иброҳим Норматов оғир тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган. Кўрсатилган шовишлич тиббий ёрдамга қарама-қарши улар вафот этган.

30 июль кўни содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлган турт нафар фуқаронинг барчаси АҚШ ва Исроил давлатлари элчихоналарининг биносини қўриқлаб турган. Улар ўзларининг мардона ҳаракатлари билан янада аянқлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қулфатнинг олдини олиб, ушбу элчихоналарнинг ходимлари ва бошқа беғунох одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Бош прокуратура биносининг кириш жойидаги портлашда одамлар қурбон бўлмаган. Тан жароҳати олган етти киши ўз вақтида касалхонага жойлаштирилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда уларнинг саломатлиги яхши, турт нафарига уйга жавоб берилган.

Жароҳат олганлар ва ҳалок бўлганлар орасида чег эл фуқаролари йўқ.

Мазкур ҳолатлар юзасидан шу кўннинг ўзида Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, портлаштирилмасига қўнунга хилоф равишда эгали қилиш учун жавобгарлигини назарда тутувчи моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши терговчи Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи томонидан олиб борилмоқда.

Бош прокурорнинг маълум қилишича, шу кўнгача ушбу жиноят иши юзасидан 1 минг 500 нафарга яқин гувоҳ сўроқ қилинган.

Терак тафсилотлари ва тўпланган тергов материаллари синчковлик билан ўрганилмоқда.

Жиноят иши юзасидан ҳодиса жойидан олинган портлаштирилмаси қурилмаларининг таркибий қисмлари ва бошқа ашёвий далиллар бўйича суд-тиббий, суд-криминалистика, баллистика, портлаш-техника ва бошқа экспертизалар тайинланган.

Экспертларнинг дастлабки хулосаларига кўра, учалар ҳолатда ҳам террорчилар томонидан бир турдаги қўлбола портловчи қурилмалар ёрдамида портлаш содир этилган.

Фойдаланилган портлаштирилмаси қурилмаларининг қуввати 1-1,5 кг тротил эквивалентига тенг. Портлаш вақтида улар террорчиларнинг ёнидаги тахминан 25х35 сантиметр ҳажмли қора рангли сумкада бўлган.

Ҳозир терговнинг асосий вазифаларидан бири террорчиларнинг шахсини аниқлашдир. Шу мақсадда терговга Адлия вазирлигининг Илмий-тадқиқот криминалистика маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббий экспертизалари бош бюроси, Ички ишлар вазирлигининг Эксперт-криминалистика бўлими ва Портлаш-техника илмий-эксперт марказий лабораторияси мутахассислари жалб этилган.

Бугунги кунда тергов икки террорчининг шах-

си ҳақидаги етарли маълумотларга эга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳорижий давлатлар фуқаролари экани аниқланган. Бироқ, тергов манфаатини кўзлаб уларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

Портлашдан сўнг учинчи террорчининг таънасида қолган бўлақлар бўйича экспертиза текшируви, жумладан, ДНК бўйича текширув давом этмоқда.

Дастлабки терговда июлда содир этилган портлашлар шу йил март-апрель ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида амалга оширилган портлашлар билан бевосита алоқадорлиги, ушбу террорчилик ҳаракатлари республикаимиз ташқарисида жойлашган ягона марказ томонидан бошқариб, мувофиқлаштириб турилган жиний уюшманинг бир ҳалқаси эканлиги ҳақида етарли маълумотлар тўпланди.

Терговнинг инкор қилиб бўлмайдиган маълумотларига кўра, уларнинг ортида ҳалқаро радикал-экстремистик уюшмалар, жумладан, «Ҳизб-ут-Тахрир» диний-экстремистик оқими турибди. Шу йилнинг баҳорида ва 30 июль кўни содир этилган портлашларга алоқадор барча террорчилар айнан шу ташкилотнинг аъзоси бўлганлигини жиноят иши ҳужжатлари ва жиноятчиларнинг судда берган кўргазмалари тасдиқламоқда.

Ушбу террорчиликларни содир этган жиний уюшманинг барча ташкилотчилари, далолатчилари ва бошқа иштирокчиларини аниқлаш ҳамда жиний жавобгарлика тортиш борасида зарур тезкор-тергов чоралари қўрилмоқда.

Брифингда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари В.Норов қатнашди.

Беҳзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Таълим**ТАНЛОВ
ЭЪЛОН
КИЛИНДИ**

Ўзбекистон файласуфлари жамияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Жамият томонидан таъсис этилган махсус стипендия олий ўқув юр்தларининг бир гуруҳ иқтидорли талабаларига берилган бўлди.

Янги ўқув йилидан эътиборан олий ўқув юр்தлари фалсафа факультетлари талабалари билан бир қаторда изланувчан докторантлар ва аспирантлар ҳам бундай имкониятдан фойдаланадилар.

Бундан ташқари олий ўқув юр்தларининг энг яхши фалсафа кафедралари учун танлов эълон қилинди. Ҳолилар пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**ЭНГ ЯХШИ
КОМПЬЮТЕРЛАР
ЛИЦЕЙГА**

Бугунги кунда Республикада қатор академик лицей, касб-хунар коллежлари хориждан келтирилган компьютер курилмалари билан жиҳозланган. Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей компьютер хонаси эса Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «акт»ли машиналар билан таъминланди.

Зеро, бу ўқув юр்தида ёшларнинг компьютер саводхонлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан берилган сабоқлар ҳам бу борада ижобий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази лицей ўқувчиларига ёрдам тариқасида яна қатор техника воситаларини тортиқ қилди.

Ақбар АЛИЕВ

Санъат**ФЕСТИВАЛГА
ТАЙЁРГАРЛИК
ДОИРАСИДА**

Шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Тошкентда Италия кинеси фестивали бўлиб ўтади. Шу йирик маданий тадбирга қизғин тайёргарлик қўрилмақда.

«Италия операси кечалари» номи остида ўтказиладиган бу фестивалда Италия кино усталари суратга олган энг яхши фильмлар кўрсатилади.

Ушбу тадбирни амалга оширишда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар республика жамияти билан бамаслаҳат иш юритади.

Зеро, ушбу жамият сайёҳаракати билан Тошкентда бундан илгари «Турли мамлакатлар кинеси», «Жаҳонни ларзага солган 100 фильм» каби ном остида кино санъати кўнари ўтказилган эди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Фарҳод кўчаси, «Фарҳод бозори», «Собитқожи» ХК дўконининг олдида (Ақмал Икромов тумани), «Сувчи» даҳаси, «Бектемир» бозори олдида (Бектемир тумани), Ўзбекистон кўчаси, «Тошкент» университети ҳудудидаги майдонда (Миробод тумани), Сайрам кўчаси, «Бўз» бозори олдида (Мирзо Улуғбек тумани), «Беруний» метро бекатининг Ўзбекистон Миллий Университети томонида (Собир Раҳимов тумани), Сергели-8 даҳаси, «Сергели» супермаркети олдида (Сергели тумани), Чилонзор кўчаси, «Чилонзор» савдо маркази олдида (Чилонзор тумани), «Авиасозлар» бозори олдидаги майдонда (Ҳамза тумани), Алишер Навоий кўчаси савдо қатори расталарида (Шайхонтоҳур тумани),

Янги ўқув йили олдидан**МАКТАБ БОЗОРЛАРИ
ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ**

Янги 2004-2005 ўқув йили яқинлашиб келаётгани муносабати билан мактаб ўқувчиларини дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қуроли билан таъминлаш мақсадида пойтахтимиз туманларида жорий йилнинг 1 августидан бошлаб марказий «Мактаб бозорлари» ўз ишини бошлади.

«Юнусобод саҳоват» дўкони олдида (Юнусобод тумани), Усмон Носир кўчаси, «Саодат СМ» дўкони олдида (Яккасарой тумани) ташкил этилган бозорлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида «Чилонзор», «Чорсу», «Қора-қамиш», «Қўйлик» буюм бозорлари ва «Паркент» бозорида ҳам мактаб бозорлари ўз фао-

лиятини олиб борадилар. Шунингдек, умумтаълим мактабларида туман ҳокимликлари ва «Китоб савдо» ОТАЖ томонидан июнь ойидан бошлаб дарсликлар савдоси амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу жараён жорий йилнинг 1 ноябрга қадар давом этади. Тошкент шаҳри бўйича 30266 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига оталиқ ва

ҳомий ташкилотлар томонидан зарур ўқув анжомлари етказиб берилди. Мазкур ярмарка савдосига хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ўқув, ёзув қуролилари ҳамда кийим-кечаклар қўйилган. Мактаб бозорларида 2 ой давомида фаолият кўрсатиш учун жалб этилган тадбиркорлар вақтинча солиқ ва бошқа йиғимларни тўлашдан озод этилди.

Мактаб бозорларини ташкил этишдан қўзланган мақсад — Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларида таълим олувчи ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлашни яхшилаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилишдан иборат.

Баҳодир АЗИЗОВ

**ЎҚИШ УЧУН
ҲИНДИСТОНГА**

Тез орада ўзбекистонлик 36 нафар йигит ва қиз Ҳиндистон олий ўқув юр்தларида таълим олиш учун жўнаб кетади. Улар турли университетларда ушбу мамлакат ҳукуматининг давлат таълим дастури бўйича ўқийди.

Мазкур дастур бўйича ҳамюртларимизнинг таълим олиши учун ажратилган ўринлар сўнгги 2 йилда икки барабар кўпайди. Бу йил 144 номзод ариза берди ва инглиз ёки ҳинд тилларида ёзма тест топширди ва умумий суҳбатдан ўтди.

Танлаб олинган ёшларнинг 11 нафари магистр даражасига, қолганлари бакалаврликка ўқийди. Ҳар йили Ҳиндистон маданий алоқалар бўйича кенгаши дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатли фуқаролари олий таълим олиши учун 1100 га яқин ўрин ажратади.

Миллий армиямиз ташкил этилганлигининг 13 йиллигига бағишланган «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири» танловлари бошланди. Унда сержант ва офицерлар енгил атлетика кросси, жанговар ва саф тайёргарлиги, қурооллардан фойдаланиш, умумий ҳарбий низоом ҳамда маънавий-сиёсий тайёргарлик бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этмоқда.

**ИЛҒОР ҲАРБИЙЛАР
МАЙДОНДА**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинларининг ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни қўриқлаш ҳамда тезкор ҳаракатланувчи махсус бўлинмаларида танловнинг дастлабки босқичи якунланди. Ўз ҳарбий қисм ва бўлинмасида П.Мирзаев, И.Нурматов, П.Жумашев ҳамда Б.Ёржонов йилнинг энг яхши сержантлари деб топилган бўлса, «Энг яхши гуруҳ ко-

мандири» йўналиши бўйича катта лейтенантлар М.Рўзметов, М.Мамадалиев, лейтенантлар Ш.Каримов, С.Усмонов қўлиб чиқишди. Капитанлар Н.Мардонов, Х.Ўқтамов, катта лейтенантлар М.Маматов, Ш.Умаров «Йилнинг энг яхши взвод командири» номига лойиқ топилди.

Улар танловнинг навбатдаги босқичида иштирок этади.

ЎЗА



Болажонларимиз ёзги таътил кунларини республикаимиздаги турли оромгоҳларда марокли ва мазмунли ўтказмоқдалар.

**БЎЛАЖАК САЙЛОВГА
БАҒИШЛАНДИ**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига бўлажак икки палатали парламент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Ёшлар ва сайлов маданияти» туркумидаги семинарнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасига бағишланган бу галги тадбирда олимлар, сиёсий партиялар фаоллари, мутахассислар, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролик жамиятининг инсонпарварлик, адолат тамойилларига мувофиқ такомиллаштирилишига хизмат қилаётди. «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши му-

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилингани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Тадбирда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг аҳамияти, партияларнинг сайловолди дастурларида жамиятнинг мазкур соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси тарғиботи масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Марказий Осиё мамлакатлари олимлари, мутахассис ва экспертлари йирик гидротехника иншоотлари хавфсизлиги мониторингини ташкил этиш тажрибасини алмашишдан иборат эди.

**ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИ
ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА**

Семинарни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидротехника иншоотлари хавфсизлиги мониторингини ташкил этиш тажрибасини алмашишдан иборат эди.

Мунозараларда сўзга чиққанлар Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти трансгегара сув ресурсларидан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Дарёлар хавзалари бошқариладиган сув тизими бўлиб, уларнинг оқими деярли тўлиқ сув омборлари билан тартибга солинган. Оқимларни тартибга солидиган қўпгина гидротехника иншоотлари 30-40 йил аввал қурилган.

ЎЗА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиш
Домо бўлур...

● Қалби пок ота — пок авлод асосчиси.

● Отанинг ўз уйига ғам-хўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани камидир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму-тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

● Яхши либос ҳуснини ошираса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат; худбин, кўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир доғишманд дебди: — Сафол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу ҳусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукаммал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндилдада истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукаммал бўлади.

Байт:
Кимки ўрганишни уят — ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лалъл олмас.

● Алишер Навоий айтди: — Тилинг билан кўнглингни бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.

ХИКОЯТ. Луқмони Ҳакими бир киши даргоҳида хизмат қилди ва ундаги илму ҳикматни гоҳи-гоҳида сынаб кўрарди. Бир кун имтиҳон тарзида буюрибди:

— Аё Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва қўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб берибди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб дебди:

— Аё Луқмон, бир қўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Хожа дебди:

— Бу нечук асоррки қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг?


Луқмон дебди: — Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

Бай оламда кишикам пок қалбу соф ботиндир,
Ҳамиша фикр кунжида қаноат бирла соқиндир.

Махмат

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Германиянинг Малент шахрида шахмат бўйича заиф эшитувчилар ва соқовлар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддин чемпионлик унвонини кўлга киритди.

25 июль - 4 август кунлари ўтган ушбу чемпионатда дунёнинг 28 мамлакатидан келган иқтидорли ўсмирлар дона сурди. Пойтахтимиздаги 106-заиф эшитувчилар мактаб-интернати олтинчи синф ўқувчиси ўн тўрт ёшли жаззахлик Сирожиддин чемпионат голиби бўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда шахмат спорт бораётганини ва келгусида бу

тури сифатида кенг оммалашиб бораётганини ва келгусида бу борада кўплаб таниқли иқтидор эгалари етишиб чиқишини таъкидлади.

— Сирожиддин олти ёшдан буён шахмат мусобақаларида мунтазам қатнашиб келади, - дейди ёш чемпионнинг отаси ва мураббийи Саврон Зайниддин ўа муҳбирга. — Ўткир зеҳни, кучли хотираси ва ноёб қобилияти билан ажралиб турарди. Унинг энди энг катта орзуси - гротсмейстер бўлиш.

ЎЗА

Мағбурлар

МУРУВВАТ
ҲАМЖИХАТЛИК АСОСИ

Халқимизда меҳр-оқибат, мурувват сингари фазилатлар доимо улуғланиб келинади. Ёшларга таълим-тарбия беришда ушбу ҳислатларнинг аҳамияти катта, албатта.

Кун кеча Бектемир туман Марказий кутубхонасида туман маданият бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда мазкур туманда истиқомат қилувчи вояга етмаган ёшлар ҳамда кутубхона аъзолари, кўпгина маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар. Ёшларнинг тарбияси, қизиқишлари, улар томонидан содир этилаётган жиноий ишларнинг олдини олиш каби масалаларга бағишланган ушбу тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази Бектемир туман бўлими раҳбари Рустам Маматхонов сўзга чиқиб, инсон ҳаммаша меҳр ва муҳаббатга суяниб яшаши, бу туйғулари сиз умрининг қувончли лаҳзалари ўчиб кетгандек туюлиши — инсонларнинг бир-бирига

меҳри ва муруввати ўлароқ жамият равишга топиши, баҳамжиятлик юзага келишини таъкидлаб ўтди.

Бектемир туман Марказий кутубхонаси мудири З.Бобоева эса инсонийлик ва ватанпарварлик туйғулари ёшлар онгига сингдириш асосий мақсадлардан бири эканлиги, шунингдек ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, миллий гуруҳ ва ифтихоримизга бўлган ҳурматни эъозлаш ҳусусида афроғлича тўхталиб ўтди. Тадбир давомида ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди, уларни қизиқтирган саволларга маънавий мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Шунингдек, 289-мактаб ўқувчилари ўзларининг шўх-шодон қўшиқ ва рақслари билан тадбирга янада файз киритдилар.

Юлдуз РИЗАЕВА

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш ва барқарор ривожланишни таъминлаш нафақат давлат, балки кўплаб ноҳукумат ташкилотлар фаолиятидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти фаолларининг йиғилиши 2004 йил биринчи ярим йиллигида бу йўналишдаги иш якунлари ҳамда келгуси вазифаларга бағишланди. Унда республикамиз вазирликлари, идоралари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни «Экосан» ташкилоти расиси Ю.Шодиметов бошқарди.

«Экосан» ташкилоти афроғ-муҳит ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, экотизимга антропоген, табиий сабаблар билан боғлиқ салбий омиллар таъсирини камайтиришга оид кўплаб долзарб масалаларга катта эътибор қаратмоқда. Бунинг учун қатор мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Экосан» ташкилоти дастури бўйича меҳр ва мурувват йўлида ташкил этилган «Энг меҳрибон қўшни» республика танлови аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Экология ва саломатлик қўлири доирасида республика экология шабақалари ўтказилди. Масалан, Жаҳон

афроғ-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган шанбаликда 2,5 миллион тонна маийш ва саноат қичиндилари чиқарилди, умумий узунлиги 4,5 миң километр арик ва зовурлар тозаланди. Барча маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари ўтказилди.

Шанбаликдан тушган маблагга «Экосан» ташкилотининг саломатлик ва мурувват поездлари учун хайрия юклари шакллантирилди. Бу поездлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.

Йиғилишда ташкилотнинг келгуси фаолияти асосий йўналишлари белгиланди.

Мағбурлар

БОҒДА МАҲАЛЛА
КУНИ

«Маҳалланг —

ота-онанг» дея бежизга айтилмаган. Ўсиб келаётган ёш авлодга ҳам ота, ҳам она ҳисобланувчи маҳалла уларнинг тарбиясига доимо масъул бўлиб келмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалланинг нуфузи кундан-кунга ортиб, унга янгидан-янги масъулиятлар юкланмоқда.

Маълумки, бир неча йилдан бери шахримизнинг барча туманларида «Маҳалла кун» байрами тантанали нишонланиб келинмоқда. Бу байрам ҳамма учун ўзига хос тарзадаги тантана ҳисобланиб, унда маҳалла фаолларидан тортиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалладошлар иштирок этишади. Айни дамда худди шундай байрам талбирлари шахримизнинг барча туманларида бўлиб ўтмоқда. Кун кеча Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор тумани маҳаллаларининг тантанали байрами бўлиб ўтди. Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жағфармасининг туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрамда кўплаб чилонзорликлар иштирок этишди.

— Шу йилнинг июнь ойида «Маҳалла» жағфармасининг туман бўлими ва тумандаги барча маҳаллалар фаолияти таҳлил этилиб, қилинган ишлар сарҳисоб этилди, — дейди «Маҳалла» жағфармасининг туман бўлими раиси Маҳаммадjon Деҳқонов. — Туманимиздаги 15 дан ортиқ маҳалла гузарни таъмирланди. Усмон Юсупов, «12-кичик Дўмбиробод» маҳаллалари учун эса гузар қурилиши ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар комиссиялари ташаббуси билан тумандаги кўплаб ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оила-ларга мурувват ёрдами кўрсатилди. Бундай ютуқларга эса албатта байрам ярашади. Бугунги байрам тантаналари давомида туманимиздаги бир қанча маҳаллаларга кўплаб йўналишлар бўйича мукофотлар топширилади.

Гафур Ғулом боғига ташриф буюрган барча чилонзорликларнинг юзларида бугун ўзгача хурсандчилик. Бир-бирини қучоқ очиб қутлаётган маҳалладошларга яна бир бор «Маҳалла кун» байрамингиз қутлуг бўлсин деймиз.

Орзуғул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга хизмат қилляпти.

ЖАМИЯТ,
СИЁСАТ ВА АЁЛ

Юртимизда аёллар барча жабҳада фаоллик кўрсатибгина қолмай, миллий анъана ва кадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда жонбоқлиб тўғрисидаги Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёндаги фаоллиги ҳам тобора ошмоқда.

Пойтахтимизда Фидокорлар Миллий демократик партияси ташаббуси билан «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида ўтказилган анжуманда шу ҳақда фикр юритилди. Бўлажақ сайловлар олдидан аёлларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш масаласига эътибор қаратилди. Зеро, икки палатали парламентга илк бор бўладиган сайловларда аёлларимиз фаол иштирок этиб, кўпроқ ўрин эгаллаши ўзларига тегишли муаммоларнинг ечим топишида муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗА

ISAF ҚҶМОНДОНЛИГИ ЎЗГАРДИ

Афғонистондаги халқаро хавфсизликни сақлаш кучларига (ISAF) Европа Иттифоқи ҳарбий бўлини маси (Еврокорпус) қўмондонлик қиладиган бўлди. Еврокорпус жорий йилнинг 9 августидан бошлаб ўз вазифасини расман бажаришга киришди.

ISAF БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2001 йил 20 октябрдаги 1386-резолюциясига мувофиқ ташкил этилган. Унга пойтахт Қобул ва атрофдаги бошқа ҳудудларда тинчликни сақлаш, шунингдек, мамлакатдаги тиклаш ишларига қўмаклашиш вазифаси юклатилган.

ISAF га дастлаб Буюк Британия, кейинчалик эса Германия, Нидерландия ва Туркия қўмондонлик қилди. 2003 йил августидан бошлаб Афғонистондаги тинчликпарвар кучларга НАТО раҳбарлик қила бошлади.

Еврокорпус 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Франциянинг Страссбург шаҳрида жойлашган. Олти минг кишилик ушбу бўлинима Бельгия, Германия, Испания ва Люксембург ҳарбий хизматчиларидан иборат. 2002 йилда Еврокорпус НАТОнинг тезкор қўшини мақомига эга бўлди.

Маълумотларга қараганда, Афғонистондаги тинчликни сақлаш кучлар қароргоҳида Еврокорпуснинг 350 нафар офицери фаолият кўрсатиши керак. Улар ISAF ихтиёридаги 7 минг кишилик ҳарбий қисмга қўмондонлик қилади.

Ҳозир Афғонистонда президентлик сайловига тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Бироқ, мамлакатда ҳукм сураётган нотинчлик ушбу жараёнга ҳалал бермоқда. Ўтган жума кuni Қобулга келган Еврокорпус раҳбари генерал Жан-Луи Пи ISAF ҳарбийларининг ўтказилажак сайловда хавфсизликни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришига ишонч билдирди.

ЎЗА

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгилловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданиятни эса, чуқур ички маданиятга эга бўлган халқ яратди. Ана шу халқгина буюк яратувчанлик қудратига эга бўлади».

Дарҳақиқат, оила миллат шарафини юқори мартабага кўтардиган маданият ўчоғидир.

Оила қасри дедик. Бу қаср ўзининг жамиятда тутган ўрнига қўра пок кишилар яшайдиган кутлуг макон. Унда фарзандлар дунёга келиб, жамиятимизнинг муносиб ворисларига айланишлари шартдир.

Оила қасрини мустаҳкамловчи муҳим восита, омилардан бири эр-хотиннинг ўзаро муносабатларидир. Бу вафо, садоқатдир.

Оилавий бахт эса иттифоқ бўлиб яшаш, бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилишдир.

Оила ҳаётини гузал гулшанга айлантиришда ота-онанинг саъй-ҳаракатлари зарурий омилардан ҳисобланади. Унда муқаддас урф-одатларимиз асосида оила аъзоларининг фаолияти, меҳнати, дунёқараши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Келажак авлоднинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳам кўп жиҳатдан оиладаги муҳитнинг соғлом бўлишидан бошланади.

Қуръони карим эр-хотин

муносабатини бир асосий қоида сифатида баён қилади. «Эрининг хотинга нисбатан қандай ҳуқуқи бўлса, хотиннинг ҳам эрига нисбатан шундай ҳаққи бор» — дей-

Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Ахлоқ фани», «Оила ҳўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аббор» ва «Маҳбуб-ул-қулуб» асарлари барчамиз

2004 — Меҳр ва мурувват йили

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Оила кишилик жамиятининг ижтимоий пойдевори-дир. Болалар тарбиясининг бош мактаби ҳисобланган оила ёш авлоднинг маънавий, маърифий, иқтисодий томондан шаклланишига асос бўлади. Фарзандларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида ифодаланади.

илган, Бақара сурасида. Бу таълимотлар ва ҳаётини қонуниятларимизга амал қилган ҳолда оилавий муносабатларни барқарорлаштиришга, бу гулшанда фарзандларнинг яхши тарбия олишларига кенг имконият яратиш, ота-она бу зарур ишда янгилашмасликлари, комил инсон деган сўз маъносини юзак эмас, балки унинг моҳиятини ҳис ва идрок қилган ҳолда оила гузаллигини яратишлари зарур.

Оила интизомини жамият ва давлат интизомининг сарчашмасидир. Оиласида тартиб-интизом ҳукм сурган киши давлат ва жамиятга самарали хизмат қилади.

Қадимда оила муносабатлари борасида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган улуг зотлар: Абу Наср Форобий, «Фозил одамлар шарҳи», Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари», Абу

учун ибрат намунасини.

Ўзбек оиласига хос ва мос тартиб-интизом ҳар бир оила аъзосидан ўз бурчи ва масъулиятини англашни, оилавий муносабатлар маданиятига эга бўлишни, оила иқтисодий имкониятини ҳисобга олган ҳолда иш юритишни, унинг манфаатдорлигини таъминлашга интилишни, оила шаънининг шарафланишига эришиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришни талаб қилади.

Шарқда муқаддас ҳисобланадиган ҳар бир оилада ўсиб, унаётган фарзандларни оилавий ҳаётга тайёрлашга жиддий аҳамият берилган. Улар «Насиҳатнома», «Панднома», «Ҳикматнома» тарзида бизгача етиб келган. Бу манбалар ҳозирги кунимизда ҳам шунчалик зарурки қизларни ҳаётга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда: инсоний фазилатлар шакллантириш бўлиши,

оилада онанинг роли, яъни қиз боланинг она бўлиши ҳақидаги тушунчаси, оила, фарзандларни асраб, авайлаб катта қилиши каби билимлар мужассамдир.

Ўғил болаларга эса, мард бўлиш, қийинчиликларни енгиш, иродали, инсофли, қаноатли, оила бошлиғидек шарафга эга бўлиш ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий тушунчалар берилди...

Ҳамжиҳатлик, замон талабини ҳис этиш ҳаётда катта аҳамият касб этади. Оила муҳитининг муътадиллигини таъминлаш, болаларнинг комил инсон бўлиб, жамиятимизга ҳалол хизмат қилишларида ҳазрати инсонларнинг қалб саводларига қойил қолмай бўлмайди.

Жизза вилояти, Фалларол туман, «Соҳибқирон» жамоа ҳўжалигида Бердимурод Авазов деган бир фидойи педагог бор. Бу инсон ўз ҳалол меҳнати ҳисобига мактаб қурган.

Кимдир спорт майдони, кимдир болалар боғчасини ўз ҳисобидан қурган, яна бир олижаноб инсон, педагогика фанлари доктори, профессор Жўрабой Икромов эса ўз кутубхонасини мактаб ўқувчиларига ҳадя қилган. Хуллас ораимизда ана шундай ҳавас қилса арзийдиган инсонлар кўп. Буларнинг бари оила қасрининг барқарор бўлиши, мустаҳкамланиб, жамиятимиз ривожига ўзининг мавқеига эга бўлишини таъминлайди. Зеро, тараққиёт босқичи оиладан бошланади.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари
доктори, профессор.

Ҳўжалик юритиш субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилар бўлини маси томонидан 2004 йил 22 августда хатланиб, давлат фойдасига ўтказилган ГАЗ — 31029 русумли давлат рақами 11 АС 411 белгилли 1994 йил ишлаб чиқарилган автомашинанинг ким ошди савдоси ўтказилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача
қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbиркорлар ва
муҳтарам қорхона раҳбарлари!

Биз наворон, истеърол, тайёрлаш, таъмир, бизга фидойи таъбир ва ҳўжалиги таъминоти, тайёр ва тadbиркорлар билан биргаликда кўп. Чунки бу — муваффақиятга олиб борадиган энг яхши йўл.



TASHKENT
SHAHAR
BO'LI MI



Тошкент шаҳор «КАМОЛОТ» тadbиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақлиф қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг борча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилди.

Спорт

ОМАД
ТИЛАЙМИЗ

Спорт оламидаги энг юксак чўққи ҳисобланмиш олимпиада ўйинларининг бошланишига ҳам оз фурсат қолди — 13 августда Афинада олимпия машъаласи порлайди.

29 августга давом этдиган ёзги олимпиада ўйинларида учинчи бор Ўзбекистон спортчилари мустақил жамоа сифатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Ўтган олимпиада ўйинларида юртимиз спорт усталари олтин, кумуш ва бронза медалларининг соҳиби бўлдилар.

Бу гал ҳам 200 га яқин давлат спортчилари ўз куч-маҳоратларини кўрсатадиган улкан спорт байрамида бизнинг олимпиадачиларимиз — 15 нафар сузувчилар, 10 нафар енгил атлетикачи, 9 та чарм кўлқоп устамиз, 11 нафар байдаркада ва каноэда эшак сузувчиларимиз, 6 нафар дзюдочи, бешта эркин кураш ва иккита юнорум кураши усталари, учта оғир атлетикачи, иккита ўқ отувчи ҳамда биттадан стол теннисчи, спорт гимнастикаси, трамплин ва велоспорт бўйича қатнашчиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишадди.

Хозирча сузувчиларимиз, дзюдочиларимиз, боксчиларимиз олимпиадага йўл олиб бўлишди.

Спортчиларимизнинг олимпиадалардаги иштирокларига назар ташлар эканмиз, улар Мустақилликка эришганимиздан сўнг мустақил жамоа сифатида қатнашар эканлар ҳар гал медаллар сони ортиганининг гувоҳи бўламиз. Бу гал ҳам боксчиларимиз, курашчиларимиз, енгил атлетикачи ва сузувчиларимизда ҳурмат шохсупасига кўтарилиш учун имкониятлар мавжуд. Бу йўлда биз спортчиларимизга омад тилаб қоламиз.

ФУТБОЛЧИЛА-
РИМИЗ
55-ЎРИНДА

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА миллий терма жамоалар учун август ойи рейтинг жадвалини эълон қилди.

Осиё чемпионатининг чорак финалида қатнашиб, илк бор кучли саккизликка кирган мамлакатимиз терма жамоасининг рейтинг жадвалидаги ўрни ҳам сезиларли даражада ошди. Бинобарин, илк бор футболчиларимиз жадвалда 205 терма жамоа ўртасида 51-ўринга кўтарилдилар. Бу Осиё чемпионатидан олдинги натижадан 29 поғона юқоридир.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирида футболчиларимиз муваффақиятли иштирок этсалар, бу рейтинг даражамизнинг янада ошишига муҳим омил бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Боксчиларимизни кузатишга Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам чиқди. Хозирда профессионал боксда Ўзбекистон доврагини дунёга ёяётган ўзбекнинг бу ўғлини Афинага йўлланма олган укаларига омадлар тилади. 4 йил муқаддам Ўзбек бокси учун олимпиада ўйинларида чемпионлик эшигини очган бу пахла-новнинг ниятлари ижобат бўлишини истардик.



Таъкидлаш жоизки, Афинага йўлланма олган 9 нафар боксчиларимиздан (Ў.Хайдаров, И.Ақбаров, Р.Саидовдан ташқари) 6 нафари ҳарбий-спортчилардир. Бу шундан далолат берадики, армияда ҳам жисмоний тарбия ва спортга улкан эътибор қаратишмоқда. Армия спорти катта спорт сари мустаҳкам кўприк бўлмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, МХСКнинг бокс бўйича бош мураббийси капитан Уйғун Сиддиқовни суҳбатга тортдик. Кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган бу армиячи спортчи, машҳур боксчи бугун устоз. 6 нафар шогирдини йигирма саккизинчи ёзги Олимпиада ўйинларига кузатапти. Хаяжони, қувончи ичига сийма-

Олимпиада — 2004

БОКСЧИЛАРИМИЗДАН
УМИДИМИЗ КАТТА

Куни кеча Тошкент аэропортида олимпиадага йўлланма олган боксчиларимизни Афинага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳаяжонли лаҳзалар таассуротларини сиз муштарийлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

ётгани кўзларидан маълум. «Биринчи бора клубимиздан шунча боксчилар олимпиадага йўлланма олди. Айниқса, Италиядаги муваффақиятимиз салмоқли бўлди. Шогирдларимга ҳам ишонаман, ҳам омадлар тилайман. Энг сўнгги тайёргарлик МХСКда бўлиб ўтди». Ха, 3 йиллик мураббийлиги давомида у умидли боксчиларни саралай, улар билан талаб даражасида ишлай олди. Тажриба ўз сўзини айтиб, бугун ишлари самарасини кўрмоқда.

Бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шароф Худойбердиев ҳам ўз сўзида МХСК вакилларида умиди катта эканлигини яшириб ўтирмади. Шунингдек, у Афина сафаридан олдиндан бизга қуйидагиларни айтди: «Асосан 3 боксчида — Зомин, Янгиобод ва Тошкентда Олимпиадага ҳозирлик кўрдик. Санкт-Петербургдаги турнир ҳам ўзига хос тайёргарлик ролини ўтди. Куба, Россия, Қозғистон спортчилари

асосий рақиблиримиз. Ишонч билан айта оламани, боксчиларимиз ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр. 14 август куни рингга биринчи бўлиб Шерзод Абдурахмонов ва Ўткир Хайдаровлар чиқишади».

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Шерзод Хусановни яхши биламиз. 69 килограмм вазн тоифасида рингга чиқадиган бу боксчини янада яқиндан таништиришмоқчимиз.

Отаси Олимжон ака ҳам унга оқ фотиҳа бериш учун аэропортга келибди. Аввало уни суҳбатга ортамиз. «Тиббиёт ходимиман. Ўзим ҳам бокс бўйича спорт устасиман. Шерзодга 12 ёшгача ўзим устозлик қилдим. Очиғи, бизнинг давримизда бундай мусобақалар, олимпиада ўйинларига қатнашиш орзу, армон эди. Ўша орзулар Истиқлол сабаб фарзандимда ўз мевасини бераётганидан хурсандман. Шерзоднинг укаси Шароф ҳам боксчи. Мана, набирам Маъмурбек



ларга «Медаллар билан қайтинглар. Катта тўй, тантана билан кутиб олайлик», деди. Менимча у барчанинг юрагидagi гапни айтди.

Майор Алижон САФАРОВ
СУРАТЛАРДА: боксчиларимизни олимпиадага кузатиш маросимидан лаҳзалар.

Александр Мручак
олган суратлар.

Табиаат ажойиботлари

ҲАҚИҚИЙ КЎЗ

Юксак ривожланган ҳайвонларда кўриш аъзоларининг тинимсиз тақомиллашуви ҳақиқий кўзининг пайдо бўлишига олиб келади. Ўргимчак ва моллюскаларнинг камерали кўзларини том маънода оқ-қора плёнкали фотоаппаратга қиёслаш мумкин.

Кўпчилик жониворларнинг ҳақиқий кўзлари бўлсада бундай кўзлар мўъжизадан холи эмас. Масалан, каналар теваарак-атрофида орқа томонлари билан қарайдилар. Яъни, уларнинг кўзлари орқа томонларида жойлашган. Камбала балиғининг кўзи бир томонга силжиган. Саккизбўкснинг иккита кўзи бор, лекин чап кўзи ўнг кўзига нисбатан бир неча марта каттадир. Уй чивинларининг иккита кўзи борлиги маълум, ана шу кўзлар орасида яна учта номалум кўзлари ҳам мавжуд экан. Демак ҳаммаси бўлиб чивинларда бешта кўз мавжуд. Баъзи бир ўргимчакларнинг саккизта кўзи бўлади.

Янги Зеландияда гаттерия деган қалтакесак яшайди, унинг одатдагидек иккита кўзи бор, учинчи кўзи эса елкасида жойлашган бўлиб, у осмонга қарайди. Бундай танана қараган учинчи кўз кушлар ва судралувчиларда ҳам бор, лекин улар яхши ривожланмаган, яъни тери, пай, суняк қабилир билан қопланган. Энг қизиғи, ана шундай учинчи кўз одамда ҳам бор экан, у миянинг қалин қатламлари орасида жойлашган.

Кўпчилик кишиларнинг фикрича, тунги ҳайвонлар мутлақ қоронғида ҳам гўё ўз ўлжасини

кўриши мумкин экан. Аслида бундай фикр жуда ҳам тўғри эмас. Ҳаттоки ўта кам миқдордаги ёруғлик бўлмаса қимёвий ўзгаришлар механизми ишламайди ва ҳайвон миясига кўриш информацияси етиб бормайди. Мушукларга келганда улар сичқонни мутлақ қоронғида тўтишининг сабаби уларнинг эшитиш ва сезиш аъзоларининг олий даражада ишлаши билан боғлиқ.

АҚШнинг Орегон қирғоғидаги денгиз чўқурлигидан махсус тўр ёрдамида таниш бўлмаган бир балиқ ушланди, унда икки жуфт кўзининг бўлиши биологларни ҳайратга солди. Юқорида жойлашган ва бўртиб чиққан бир жуфт кўз юпка парда билан ажралиб туради ва ўзидан юқорида юрган кушанда ёки душманларини кўришга мослашган. Иккинчи жуфт кўз эса анча кучсиз ёруғни тез сезишга лаёқатланган ва пастки томонга қараган. Батилихномус деб аталмиш бу балиқ денгиз зулмат қоронғусида йиртқичлик қилади.

Денгиз ва уммонларнинг теран жойларида яшовчи жониворлар орасида моллюскалар (осминог ва калмар)дек кўзи ўткир жонивор топилмаса керак, уларнинг кўриш қобилияти билан одам ва бойқуш кўзларигина

рақобатлашиши мумкин, улар ўта ёруғда ҳам гира-ширада ҳам яхши кўради.

Асалариларнинг фасетали кўзидан ташқари яна учта билинар-билимас оддий кўзлари бор. Яқинда аниқланишича, улар ўзига хос фоғометрлар экан. Шунинг учун ҳам арилар ўта кучсиз ёруғлики сезади.

Отларнинг кўз қорачиги горизонтал ҳолда жойлашган, мушук ва тулкида аксинча вертикал ҳолда бўлади. Горизонтал кўз қорачиги очик текислида яшовчи жониворлар учун зарур, чунки улар ўз душманларини узоқ масофадан туриб кўра билишлари керак. Тулки ва мушук кўзлари вертикал ҳолда бўлгани сабабли улар ўз ўлжасини излаб топиш учун кўпинча пастга ва юқорига қарайдилар.

Балиқ кўзлари инсон кўзи сингари аккомодация хусусиятига эга, яъни фокус масофасини узайтириш йўли билан турли узоқликни кўриши мумкин. Аммо кўпчилик балиқларда бундай кўриш ҳолати худди фотоаппарат объективи ҳаракатига ўхшаш қорачиги кўз тўрига яқинлашиши ёки узоқлашиши билан амалга ошади.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Ўқуғибол

БОШЛАНИШИ
ЧАККИ ЭМАС

Сентябрь, октябрь ойларида Малайзияда бўладиган Осиё чемпионати ўйинларига қизгин ҳозирлик қўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Тошкентда ўқув-машғулот йиғинларини уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда. Эътиборлиси, ушбу йиғинлар давомида бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказиш ҳам режага киритилган.

Айни кунларда Тошкент шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиётган Малайзия ёшлар терма жамоаси билан Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўртасида уюштирилган биринчи ўртоқлик учрашуви айтиш жоизки, ҳамюртларимизга омад келтирди. Мутахассислар томонидан қитъа биринчилигининг кучли жамоаларидан бири сифатида қатнашиши башорат қилинаётган Ўзбекистонлик ёшлар ҳақиқатан ҳам рақиблирлардан маҳоратли эканликларини исботлашди. Беллашувда тўла устунликка эришган Рауф Инилеев шогирдлари малайзияликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ўзбекистонликлардан рақиб дарвозасига тўплари Аббос Абдуллаев, Фарход Тожиев ва Довуд Жадоевлар киритишга муваффақ бўлишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма таъриф офсет
усулида босилади.
2812 нусхав босилди. Қозғистон А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чикади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорғона манзили: «Буюк Турсон» кўчаси, 41-уй.